



АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИДА - ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

**Мирзаев Раҳматулла Ибодуллаевич¹, Бабакулов Бекзод
Нормухамедович²**

¹Самарқанд Давлат университети Юридик факультети декани,
Юридик фанлари номзоди, доцент.

²Самарқанд Давлат университети Юридик факультети,
Хуқуқшунослик ва ҳуқуқий таълим кафедраси магистранти.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5801950>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-dekabr 2021
Ma'qullandi: 15- dekabr 2021
Chop etildi: 20- dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

адвокатура институти, қонун устуворлиги, жиноят қонунчилиги, концепция, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, малакали юридик ёрдам қўрсатиш.

ANNOTATSIYA

мазкур мақолада адвокатура институтини ривожлантириш, юридик хизматлар бозорида адвокатура институтининг ролишини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва экинликларини ҳимоя қилишда қонун устуворлигини таъминлаш, суд процессида барча иштирокчиларнинг тенглигини таъминлаш, суд – ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосида адвокатнинг роли муҳимлиги ҳозирги даврнинг асосий мавзуси эканлиги ҳақида

Дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларида адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомига оид масалалар долзарб аҳамият касб этади. Ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишда адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг асосий ҳамда муҳим вазифани бажариши халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Саккизинчи конгрессида қабул қилинган “Юристлар ролига оид

асосий принциплар”да адвокатура институтини такомиллаштириш демократик ҳуқуқий тараққиётнинг бирламчи шартларидан эканлиги қайд этилган.

Жаҳонда адвокатларнинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун зарур ҳуқуқий майдонни яратиш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақомини, улар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишга оид илмий тадқиқотларни бажаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, адвокатура институтини ривожлантириш, адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий



шаклларини такомиллаштириш, юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобат муҳитини яратишда адвокатура институтининг ролини ошириш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ташкилий – ҳукуқий асосларини белгилаш, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизимининг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш, адвокатлик касбining ихтисослашувини йўлга қўйиш, адвокатларнинг мустақиллигини ва уларнинг суд процессидаги бошқа иштирокчилар билан тенглигини таъминлаш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Республикаизда адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқий мақомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиб, адвокатларнинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базасини яратиш бўйича қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган йиллар давомида янги авлод кадрлари учун барча шароитлар яратиб берилгани биз қўлга киритаётган барқарор натижаларни асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сайдарлик сабаб, мамлакатимиз йилдан-йилга тараққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда, жамият бошқаруви уч асосий мезонга,

яъни қонун, мафкура ва маънавиятга таяниши алоҳида аҳамият касб этади.

Қонун инсоният жамиятининг илк ибтидоий ижтимоий тушунчаларидан бири. Содда қилиб айтганда, муайян жамият аъзолари таркибини ўзаро келишиб, тинч-тотув, баҳамжихат, яшашларини таъминлайди.

Жамиятни қонун бошқармас экан, халқ таъбири билан ифодаланса, “Замон зўрники” бўлади. Бошбошдоқлик, фирибгарлик, алдов, пораҳурлик, танишибилишчилик, қариндош-урӯғчилик, маҳаллийчилик, таъмагирлик ва бошқа кўплаб иллатлар томир отади. Бундай жамиятда адолат ўрнатиш қийиндан-қийин масала бўлиб колаверади. Farrell жамияти буни асрлар давомида бошидан кечирган. Охири, қонун, қонун ва яна қонун деб холосага келган.

Мамлакатимизда демократик янгиланишнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири – бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган. Буларнинг барчасига Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган талаб ва тамойилларга амалиётда оғишмай риоя қилиш орқали эришилди.

Бугун инсон ҳуқуқлари ҳар қандай жамиятнинг энг муҳим конституциявий институти ҳисобланади. Бу институт шахснинг ҳукуқий мақомини тартибга солувчи, унга таъсир кўрсатиш усуллари ва чораларини, сиёсий ҳуқуқлардан эркин фойдаланиш ва ушбу жараёнда иштирок этиш имкониятларини



ҳимоялаш ва амалга оширишнинг юридик кафолатларини ўрнатади¹.

Инсон ҳуқуқлари мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати учун кураш қадим-қадимдан мавжуд бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам унинг долзарблиги камаймаган, моҳияти ўзгармаган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари инсоният мавжудлигининг, биргалиқда яашнинг асоси бўлиб, мавжуд барча динлар, маданиятларга хос бўлган тинчлик ҳамда тараққиёт асоси, ўзаро аҳиллик ва бағрикенглик анъанасини ўзида мужассамлаштиради. Бу борада маънавияти юксак ва олижаноб ҳалқимиз ўз олдига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида белгиланганидек, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадини қўйган.

Фуқаролик жамиятини яратишга қаратилган ҳаракатлар, аввало, қонун учтуворлигини таъминланишини, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кучли муҳофазасини тақозо этади. Бундай олий мақсадга нодавлат ташкилотлар, хусусан адокатуранинг иштирокисиз эришиб бўлмайди. Ўз навбатида, адвокатура институтларининг тарқоқ ҳолдаги фаолияти унинг конституцион вазифасини, яъни фуқаро ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишнинг сифатли бўлишини таъминлайди².

Инсон ҳуқуқлари одамнинг туғилиши ва инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши

билан боғлиқ бўлиб, шахс ва ҳокимият идоралари, айниқса, давлат муассасалари билан бўладиган муносабатларнинг моҳиятини белгилаб беради. Инсон ҳуқуқлари – ҳуқуқий онг даражаси – бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билиши билан кифояланмайди. Бу энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни сўзсиз бажариш, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишdir.

Қонун – инсоннинг истагидан қатъий назар, уни тан олишга мажбур қиладиган олий куч. Табиат қонун билан яшар экан, инсон ҳам қонун асосида кун кечиришга мажбур. Чунки, инсон эҳтиёжлари чексиз ва беҳудудки, агар яашнинг мақбул қонун қоидалари ишлаб чиқилмаса ва унга амал қилинмаса, дунёни жаҳолат эгаллайди, одамларнинг ўртасида вахшийлик кучайгандан кучаяди.

Шу ўринда, Флоренциялик ёзувчи, сиёsatчи ва ҳуқуқшунос олим Донте Алигьери шундай деган эдилар: “Агар қонунлар бу қонун остида бўлганлар баҳт-саодатига қаратилмаган бўлса, улар номигагина қонун ҳисобланади”. Зоро, қонунлар одамларнинг умумий фойдаси учун уларни бир-бири билан боғлаши керак. У яна ҳуқуқ жамият ҳаётини тартибга соладиган энг зарур восита бўлиши кераклигини алоҳида уқдиради. Ҳуқуқий тартибот адолат билан боғланиши керак.

¹ Қаранг: Инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатлар тўплами. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2013.

² Қаранг: Таджиев У. Адвокатуранинг марказлашган тизими // Ҳуқуқ ва бурч. 2010. - № 3.



Асосий фаолият йўналиши инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган институтлар орасида адвокатура алоҳида ва муҳим ўрин эгаллади. Шу сабабли мамлакатимизда суд-хукуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура тизими니 ислоҳ қилиш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар жараёнида тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар келиб чиқиши, ҳатто хукуқбузарликлар содир этилиши мумкин. Айни шундай шароитда адвокатларга эҳтиёж туғилади ва бундай эҳтиёжлар адвокат қасбий фаолиятини амалга ошириш чоғида, яъни тегишли масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ, уларнинг манфаатларини ифода этиш ва хукуқларини ҳимоя этиш; юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан адвокат томонидан сўралган хужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган нусхаларини қонун хужжатларда белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсияномалар ҳамда бошқа хужжатларни сўраш ва олиш; судларда, шунингдек, маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги

маълумотларни тўплаш каби хукуқларида кўринади.

Шу ўринда, адвокат - жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қонунда назарда тутилган ҳар қандай усул ва воситалар билан ҳимоя қилиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилишига ҳаракат қилиш, айбдорни ҳақли жазодан қутқариб қолиш эмас, балки одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш, шахса нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўлланилишига йўл қўймаслик, ҳимояланувчининг ҳаракатига тўғри баҳо беришга ва адолатли ҳукм ва ҳал қилув қарори чиқарилишига эришиш, фуқароларнинг хукуқий онги ва маданиятини оширишга кўмаклашиш каби вазифаларни адо этиш билан хукуқи ҳимоя қилинган, тикланган одамларнинг аввало, жамият ва давлатдан розилиги, энг муҳими қонунларимизнинг амалда устуворлигини, баҳтли яшашга бўлган ишончини оқлашга хизмат қиласидан шарафли касбdir.

Суд-хукуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатура соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳияти, мақсади энг аввало, адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этиш орқали шахснинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишга қаратилган.



Хулоса қилиб айтганда, инсон учун энг олий неъмат озодлик бўлганидек, мамлакат учун мустақилликдан олийроқ қадрият йўқ. Зоро, мустақиллик – эркин

ва баҳтли яшаш кафолати, шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар рўёби, ҳар бир инсоннинг қонуний манфаатлари инъиқосидир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Адвокатуранинг марказлашган тизими // Ҳуқуқ ва бурч. 2010 й. - № 3.
2. Инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатлар тўплами. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013 й.